

Замонавий корхоналар ва экспорт салоҳияти



ЕНГИЛ САНОАТ

Мамлакатимизда саноатни жадал ривожлантириш мақсадида халқаро бозорда рақобатбардош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этиш ва мавжуд қувватларни модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада унинг барча тармоқлари, айниқса, енгил саноатда барқарор ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Буни Оролбўйи минтақасида мазкур йўналишдаги корхоналар эришадиган ютуқлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Негаки, кейинги йилларда Қорақалпоғистонда кўплаб янги ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилиши ҳисобига етиштирилган пахта хом ашёсини шу ернинг ўзидан қайта ишлаш ҳажми тобора ортмоқда.

— Ўтган йили 6 та йирик енгил саноат корхонасида 65,5 миллион АҚШ долларилик модернизациялаш ишлари амалга оширилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий вазирлигининг бўлим mudiri Тамара Дуйсенбина. — Жумладан,

Амударё туманидаги «Амударё текстиль», Бериуний туманидаги «Астера текстиль», Тўрткўл туманидаги «Тўрткўл Асака текстиль», Нукус шаҳридаги «Нукус текстиль» масъулияти чекланган жамиятлари ва бошқа субъектларда ишлаб чиқариш техник ҳамда технологик жиҳатдан янгиланиб, юзлаб иш ўринлари яратилди. Бугунги кунда уларнинг аксариятида тайёрланаётган маҳсулотлар экспорт қилинаётгани, айниқса, эътиборга молик.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа

сатрларда

• Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Тошкент шаҳрида аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, 2013 йилдаги режалар, «Коллеж — корхона» ҳамкорлиги бўйича бажарилаётган чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

• Пойтахтимиздаги «Тошкент-палас» мехмонхонасида «Экоти-зим хизматлари учун рағбат: Ўзбекистон экотизимлари муҳофазаси қилиш учун иқтисодий инновацион восита» мавзuida анжуман ташкил этилди. Унда табиати муҳофазаси қилиш давлат тузилмалари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

• Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод тумани марказий шифохонасига қарашли юкумли касалликлар бўлимининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган мазкур муассаса 35 ўринга мўлжалланган.

• Сирдарё вилояти Мирзачўлни ўзлаштириш тарихи музейида «Миллий қадриятлар ва ёшлар» мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир аввалида ташкил этилган хунармандлар маҳсулотлари кўргазмаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Фуқаролик жамияти:

Ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси ошиб бормоқда

Ўзбекистон иштирокчиларнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўз олдига жадал ривожланаётган иқтисодий ва очиқ фуқаролик жамиятига эга демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсадини қўйди. Бунда инсон, унинг ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинликлари муҳофазасини таъминлаш энг олий қадрият даражасига кўтарилиб, шунга уйғун тарзда, унинг салоҳиятини тўлиқ намоён этиш учун барча шарт-шароит яратилди. Бу йўлда аҳолининг кенг қатламларини қўллаб-қувватлайдиган мустақил, барқарор ва турли фуқаролик жамияти институтлари кенг тармоғини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш муҳим вазифа сифатида илгари сурилди.

■ КОНФЕРЕНЦИЯ

Пировадидида бугунги кунда Президент Ислам Каримов томонидан эълон қилинган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили ҳаётга изчил татбиқ этилиб, ўзининг юксак натижаларини бериб келаяпти. Бу ҳақда Фуқаролик жамияти шаклланиши мониторинг қилиш мустақил институти (ФЖШМҚМИ)нинг «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда си-

фат ва микродорий ўзгаришлар» мавзuida ташкил этилган ҳисобот конференциясида сўз борди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, ФЖШМҚМИ мутахассислари, давлат ҳамда жамоатчилик ташкилотлари, илмий тадқиқот ва таълим муассасалари, ЕХХТ, БМТТД, ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотлар вакиллари, АҚШ, Корея Респуб-

каси, Франция, Словения, Исроил давлатларидан экспертлар, шунингдек, маҳаллий ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Унда фуқаролик жамиятининг асосини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар), сиёсий партиялар, ҳаракатлар, касба уюшмалари, жамоатчилик бирлашмалари ва жамғармалар,

нодавлат нотижорат ташкилотлари, мустақил оммавий ахборот воситалари ташкил қилиши таъкидланди. Шунинг учун Ўзбекистонда уларнинг ташкил этилиши, шаклланиши ва равнақи учун зарур ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шарт-шароитлар тақдим қилинапти.

Соҳа ҳуқуқий асоси фуқаролик жамияти институтларининг муҳим ижтимоий аҳамиятга эга вазифаларини рўёбга чиқариш, жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли ва ўрнини оширишда бош пойдевордир. Энг аввало, уларнинг ривожланиш асослари Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилди. Ўз навбатида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоатчилик бирлашмалари, касба уюшмалари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари, журналистнинг профессионал фаолияти муҳофазаси, ахборот олиш қафолати ва эркинлиги оид ҳамда бошқа бир қатор қонунлар қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Ишбилармонлик ва изланувчанлик намоиши

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган анъанавий «Ташаббус» кўрик-танлови ишбилармонлар истеъдодини юзага чиқариш, мулкдорлар синфини шакллантириш, уларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш, энг муҳими, соҳа вакилларининг касбий маҳоратини оширишга хизмат қилмоқда. Натижада тадбиркорлар ўз фаолиятини кенгайтириши ҳисобига ишлаб чиқариш суръатларини тобора ошириб, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиршига муносиб ҳисса қўшаёттилар.

Бугун юртимиз тадбиркорлари томонидан тақлиф этилаётган маҳсулотлар бемалол рақобатга кириша олади. Бу «Ташаббус — 2013» республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи иштирокчилари маҳсулотлари кўргазмасида ҳам кўзга яққол ташланди. Бу ерда туман бошқаларида голибликни кўлга кiritган 22 нафар тадбиркор ва хунарманд ўз маҳсулотларини намоиш этишди.

(Давоми 3-бетда).

■ АНЖУМАН

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Moody's» халқаро рейтинг агентлиги билан ҳамкорликда амалий конференция ташкил этилди.

Барқарор фаолият эътирофи

Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»-ги қарори доирасида

ўтказилган мазкур тадбирда тегишли вазирликлар мутасаддилари, Марказий банк, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси, тижорат банклари раҳбарлари ва масъул ходимлари қатнашди.

Таъкидландики, мамлакатимизда кейинги йилларда банк

тизимини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли молия муассасалари фаолияти сифат жиҳатидан тобора яхшиланмоқда. Ўтган йил якунларига кўра, республикамиз банк тизимининг жами капитали 24,3 фоизга, сўнги уч йилда эса икки баробар кўпайгани, бугунги кунда капиталнинг етарлилик даражаси 24 фоиздан ошиб, бу қабул қилинган умумий халқаро стандартлардан уч баробар зиёددан ташкил этгани ана шундан далолат беради.

(Давоми 3-бетда).

■ УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ

Азалий қадриятларимиздан бири бўлган ҳашар Юртбошимиз ташаббуси билан теран мазмун-моҳият касб этиб, яратувчанлик ҳамда шижоат ва эзулик тимсоли сифатида шаклланди.

Ҳамжиҳатлик ва яратувчанлик тимсоли

Буни улғу байрамларимиз арафаларида ўтказилаётган умумхалқ ҳашарлари кунлари кенг қўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилаётгани, янги боғу гулзорлар яратилаётгани, ёлғиз қариялар, ногиронлар ҳамда эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий

ёрдамлар кўрсатилаётгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бу йилги баҳор айёмида ана шу эзу аънава давом эттирилиб, жорий йилнинг март — апрель ойлари мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари ҳамда 16-17 март — умумхалқ хайрия ҳашари кунлари, деб эълон қилинди.

Айни кунларда ушбу умумхалқ тадбирини ушқоқлик билан ўтказишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилаётган. Жумладан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувида умумхалқ хайрия ҳашарини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида ишчи гуруҳи тузилди. Шу билан бирга,

(Давоми 3-бетда).



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида мамлакатимизда

жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида ўтказилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор янги қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Депутатлар қонунчилик ташаббуси тартибида бир гуруҳ депутатлар томонидан киритилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиб, муҳокама этдилар. Муҳокама чоғида депутатлар таъкидладиларки, тақлиф этилаётган янгиликлар қонунчилик фаолиятини янада демократлаштиришга, бу жараёнда фракциялар (депутатлар гуруҳлари) иштирокини фаоллаштиришга, уларнинг қонун лойиҳасини кўриб чиқишнинг барча босқичларида палата томонидан қабул қилинаётган қарорларга таъсир кўрсатиш, ўз сиёсий партияларининг дастурий ҳужжатлари ва сайловчиларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, қонун лойиҳаси бўйича ўз нуқтаи назарларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш ва химоя қилиш имкониятларини оширишга кўмаклашади.

Ҳар томонлама модда-модда муҳокамадан сўнг депутатлар мазкур Қонунни қабул қилдилар. Қонун кўриб чиқиш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

Қонунчилик палатаси бир қатор қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда кўриб чиқди, улар орасида иқтисодий соҳага оид ҳужжатлар алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, «Лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тубдан қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ ишлаб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).

«ТАШАББУС — 2013»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Ушбу қонун лойиҳасининг қондилари бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, лицензиялаш ва рўхсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ва соддалаштириш, ҳисоботлар бериш тизимини ҳамда уни тақдим этиш тартибини бозор иқтисоди талабларига, халқор нормалар ва стандартларга мувофиқ тубдан такомиллаштириш ҳисобига тадбиркорлик субъектлари учун мўлҳим қадар кулай шарт-шароит яратишга қаратилган. Қонун лойиҳасига биноан фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш бекор қилинмоқда. Шунингдек, такорловчи шаклларини бекор қилиш ва бирлаштириш ҳисобига давлат статистик, молиявий, солиқ ва бошқа турдаги ҳисоботлари сони ҳам қисқартирилмоқда.

Депутатлар Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида тайёрланган, "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги қонун нормаларини такомиллаштиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар ва муҳокама этдилар. Қайд этилдики, қонун лойиҳаси амалдаги қонун нормаларини кейинги пайларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштиришга, аудит тизимини халқор стандартлар бўйича ислоҳ қилишга қаратилган. Таклиф этилаётган тузатишлар мажбурий равишда аудиторлик тегишли ҳужжатларни ўқиб олишнинг лозими бўлган ҳужжалик юритувчи субъектларнинг тоифаларини кенгайтиришни, аудиторлик

ташкilotларининг ҳуқуқий ҳимояси ва мустақиллигини таъминлашни, аудиторларнинг масъулиятини кучайтиришни, аудиторлик текширувини ўтказишга доир амалдаги чекловларни қайта кўриб чиқишни, республика профессионал жамоат бирлашмаларининг фаолиятини халқор ривожланиш тенденцияларига мувофиқ мақбуллаштиришни, аудиторларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришни назарда тутди.

Депутатлар, шунингдек, оила институтини янада такомиллаштиришга, вояга етмаган фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, одамлар соғлиғи ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий аҳамиятга молик қонун лойиҳаларини ҳам кўриб чиқдилар. Улар орасида "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бор. Ҳужжат болаларни фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг суд тартиби белгилашнинг назарда тулади. Таклиф этилаётган янгилик болалар ва фарзандликка олувчилар ҳуқуқларининг суд томонидан ҳимоя қилиниши таъминлашга, фарзандликка олиш сирини сақлашга ва қонун ҳужжатлари бузилишларининг олдини олишга қаратилган.

Мақлис жараёнида ёш авлоднинг саломатлигини таъминлашга, эрта никоҳга киришни салбий оқибатларини олдини олишга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Хусусан, қонун лойиҳаси билан Оила кодексига, Жиноят кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга никоҳ ёшани белгилаш тартибда қисқартириш учун асос бўладиган узрли сабаблар рўйхатини аниқлаштиришни, шунингдек, никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий ва жиноят жавобгарлик белгилашнинг назарда тутувчи бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Парламент кўйи палатасининг вакиллари сил касаллигининг олдини олиш ва даволаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар. Жумладан, қонун лойиҳаси билан сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган беморларни мажбурий даволанишга ётқизишнинг суд тартибини белгилаш назарда тутилмоқда. Депутатларнинг фикрича, таклиф этилаётган тартиб фуқаролар соғлиғи муҳофаза қилинишини таъминлашга, шунингдек, мамлакатимизда сил касаллигига қарши кураш самарадорлигини оширишга қўмаклашади.

Депутатлар божхона ва ҳўжалик процессуал қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга катта эътибор қаратдилар. Хусусан, Ҳўжалик процессуал кодексига тузатишлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ҳўжалик суди ишларининг юритулишини янада такомиллаштириш, судлар ва процесс иштирокчилари ўртасида ҳўжатлар айланиши механизмини соддалаштириш мақсадига ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳасида ҳўжалик судлари томо-

нидан суд процесси иштирокчиларини хабардор қилиш, уларга суд ҳужжатларининг кўчирма нусхаларини электрон почта орқали юбориш учун замонавий алоқа воситаларидан фойдаланиш назарда тутилган. Ҳўжалик судлари ва процесс иштирокчилари ўртасида электрон ҳўжат айланиши тизимининг жорий этилиши одил судловнинг очкилиги ҳамда ошкоралигини таъминлашга қаратилган. Бундан ташқари, акциядор ва акциядорлик жамияти, бошқа ҳўжалик ширкатлари ва жамиятларининг иштирокчилари ўртасидаги улар фаолиятдан келиб чиқадиган низоларни, меҳнат низоларини истисно этганда, ҳўжалик судларининг тааллуқлигига қиритиш тўғрисидаги норма жорий этилмоқда.

Божхона кодекси нормаларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси товарларни электрон тарзда декларация қилиш тизимини, шунингдек, товарлар божхона ҳудудига амалда кириб келгунга қадар божхона органлари олдидан декларация бериш йўли билан уларни декларация қилиш механизмини босқичма-босқич жорий этишни назарда тутди.

Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари саволлар ва таклифлар билан сўзга чиқдилар. Депутатлар қонун ижодкорлиги иштин янада демократлаштириш, ишчанликни яхшилаш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, оила институтини такомиллаштириш, фуқаролар соғлиғи ва атроф-муҳит муҳофаза қилинишини таъминлаш муҳимлигини алоҳида таъкидладилар.

Қонунчилик палатаси ўз ваколатига қирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.



Замонавий корхоналар ва экспорт салоҳияти

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Хўжайи туманидаги йилга 5 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга «Elite Stars Textile» масъулияти чекланган жамияти — шулардан бири. Таъкидлаш керакики, мазкур корхона инкирозга учраган «Хўжайи йл йигирув фабрикаси» очик акциядорлик жамияти негизда ташкил қилинган. Яъни банк сармояларини иқтисодий ноқор корхоналар фаолиятини қайта тиклаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан

қайта жиҳозлашга жалб қилиш бўйича тўпланган тажриба бу ерда ҳам ўзини оқлади. Пировардида нафақат корхона иқтисодий жиҳатдан қаддини тиклаб олди, балки ҳудуд аҳолиси бандлигини таъминлашга муносиб улуш қўшди. Ҳозир бу ерда 200 киши, шу жумладан, касб-хуна қоллаштирилган 136 нафар битирувчи меҳнат қилмоқда.

— Маъсулотларимизнинг асосий қисми экспорт қилинмоқда, — дейди корхона раҳбари Йўлдош Матниёзов. — Масалан, ўтган йилнинг ўзида 2 миллиард 126 миллион сўмлик кала-

ва ип ишлаб чиқарилган бўлса, шундан 842 минг АҚШ долларлирик маҳсулот чет эллик харидорларга етказиб берилди.

Кўриниб турибдики, «Elite Stars Textile» МЧЖ махсулотларига хорижликларнинг қизиқиши юқори. Корхона фаолият бошлаганидан бўён ишлаб чиқарилган 750 тонна калава ипнинг 619 тоннаси экспорт қилингани бунинг яққол тасдиғидир.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, Ҳасан ПАЙДОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.

Фуқаролик жамияти:

Ислохотларга дахлдорлик ҳисси ошиб бормоқда

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

"Учинчи сектор"нинг социал фаоллигини оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 23 июндаги "Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожланишга қўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим туртки бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашиларининг 2008 йил июлда қабул қилинган қўшма қарори асосида парламент ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкilotларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, шунингдек, унинг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди. 2008 — 2012 йиллар давомида Парламент комиссияси қарори билан Жамоат фонди томонидан бюджет маблағлари ҳисобидан 22 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Булар фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим лойиҳаларини грант, субсидия ва давлат бюрталарини бериш асосида қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Шубҳасиз, Президентимизнинг 2010 йил ноябр ойидаги Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган изчил ҳамда тизимли ишлар олиб боришда муҳим дастуриламал ҳўжатдир.

Бунда мамлакатимиз ва ҳудудлар ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган демократик ислохотлар ва ўзгаришларни чуқур ўрганаётган ФЖШМҚМИ ҳам фаол иштирок этмоқда. У томонидан ўтказилган мониторинг тадқиқотлари бунга ёрқин мисолдир. Масалан, улар фуқаролик жамияти институтларининг демократик ислохотлар, давлат ҳўкимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ўрни ошганини кўрсатмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкilotлари фуқаролик жамияти институтлари тизимида алоҳида ўринга эга. Мамлакатимизда уларни давлат томонидан самарали қўллаб-қувватлаш, халқор стандартларга тўла мос келадиган ҳўқуқий база шакллантирилган.

Агар 1991 йилда республикаимизда 95 та ННТ қайд этилган бўлса, 2000 йилга келиб уларнинг сони 2585 тага етди. 2013 йилда эса 6 мингдан ошиб кетди. Уларнинг қаторида "Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми", "SOS" — Ўзбекистон болалар маҳаллари уюшмаси, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳўқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, "Нуроний", "Соғлом авлод учун", "Экосан", "Sen yolg'iz epassan" жамғармалари ва бошқа қўллаб ташкilotлар ҳой олган.

Парламент ҳўзуридаги Жамоат фонди грант таловларида иштирок этаётган ва голиб бўлаётган ННТ сони ҳам сезиларли даражада орди. Мисол учун, 2011 йилда 122 та шундай ташкilot Фонд грантини қўлга киритган бўлса, 2012 йилга келиб уларнинг сони 163 тага етди. Уларнинг ичиде минтақавий нодавлат нотижорат ташкilotлари сони 2,2 баробарга ортгани янада эътиборлидир.

ФЖШМҚМИ томонидан ўтказилган тадқиқотларда ННТнинг жойларда ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни бажаришда

ги фаоллиги кўчайгани маълум бўлди. 2012 йилда ун юздан ортик "учинчи сектор" вакили марказда ва ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини тайёрлаш жараёнида иштирок этгани, кейинчалик улар соғлиқни сақлаш, атроф-муҳит муҳофазаси, бандлигини таъминлаш йўналишларидаги вазифалар ижросига жалб этилгани, шу қаторда "Мустақам оила йили", Давлат дастуриде назарда тутилган 87 та чора-тадбирнинг 64 таси рўёбиде бевосита қатнашгани фикримиз исботлидир.

Сўров натижалари яна шунки кўрсатдики, бугунги кунда 40 фоиздан зиёд ННТ аҳолига турли ижтимоий хизматлар қўрсатиб келаётди. Психологик ва ҳўқуқий ёрдам, касб ўргатиш, ижтимоий бандлигини таъминлаш, ногиронларнинг социал реабилитацияси, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашга қўмаклашиш шулар сирасидандир.

Айтиш жоизки, бу борада Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкilotлари миллий ассоциацияси — УзННТМА ташкил этилган бўлиб, у лойиҳаларни амалга оширишга ташкилий, молиявий ва моддий жиҳатдан қўмак қўрсатиб келмоқда. Вилоят ҳўкимиятининг жамоатчилик ташкilotлари билан алоқалар бўйича ўринбосари лавозими таясис этилган.

Умуман олганда, қўллаб нодавлат нотижорат ташкilotлари экологик масалаларни ўзи учун устувор йўналиш, деб билди. Уларнинг орасида энг йириги, шубҳасиз, атроф-муҳит, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, унинг экологик маданиятини ошириш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, соҳадаги қонун ҳўжатлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадига 2008 йилда ташкил этилган Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳисобланади. Бугунги кунда республикаимизнинг барча ҳудудларида Экоҳаракат бўлими фаолиятини йўлга қўйилган. Улар 125 та маҳаллий экологияга ва 130 та аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга иктисослаштирилган нодавлат нотижорат ташкilotли салоҳиятини бirlаштиришга олди. Ҳаракат тузилмаларида бугунги кунда "Ишонч телефон"лари ишлаб турмоқда. Утган йилда уларга атроф-муҳит ифлосланиши билан боғлиқ ҳўлатлар ҳақида 335 та телефон орқали мурожаат келиб тушган. Уз навбатига, Экологик ҳаракатнинг жойлардаги давлат ҳўкимияти ва бошқаруви органлари,

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро алоқалари мустақамланган борапти.

Шулар баробарида, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳам бугунги кунда хотин-қизларни ҳўқуқий, иқтисодий ва социал муҳофаза қилиш, уларни мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларидаги иштирокини фаолаштиришда иштирок этиб келаяпти. Ушбу қўмитанинг раиси бир вақтнинг ўзида Бош вазир ўринбосари, унинг жойлардаги бўлимилари раҳбарлари мос равишда вилоят, туман ва шаҳар ҳўкимияти ўринбосарлари ҳисоблангани эса мазкур ташкilotнинг юқори мақомга эга эканлигини даволат беради.

Нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳозирда мамлакатимиздаги ушбу тармоқ вакилларининг қарийб 60 фоизини ташкил этмоқда. Шунингдек, масс-медиа ва журналестлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш билан шуғулланувчи фуқаролик жамияти институтлари ташкил этилди. Журналистлар ижодий уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди шулар жумласидандир. ФЖШМҚМИ ўрганишлари натижалари мазкур жаҳда ривожига ижобий ўзгаришлар рўй берганини кўрсатмоқда. Уларнинг долзарб мавзулар қаторида фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнини ёритишчи роли ортган. Эътиборлики, ҳудудий ОАВ жойларда аҳолини йўналтиришдан масалаларини кўтариб чиқмоқда. Масалан, вилоят, туман ва шаҳар газеталарида тахлилиел ва танқидий рўқадга материаллар сони ўсиши тенденцияси кузатиляпти. Айни чоғда чоп этилган мақолалар тўғрйли давлат ва ҳўжалик органлариға тегишли чоралар қўрилган материаллар микдори қўпайган. Утган йилнинг биринчи чоратиға нисбатан йил охириға келиб бундай чиқишлар етти баробарға қўпайди.

Сиёсий партиялар давлат ҳўкимияти ва бошқарувини демократлаштиришда катта ўрни тутадиган фуқаролик жамияти институтларидир.

— Юртимизда бугунги кунда тўртта сиёсий партия фаолият юртимокда, — дейди Олий Мақлис Қонунчилик палатаси депутаты Д. Ҳолиқова. — Уларнинг ҳар бири парламентда ўз фракциясига эга. Шунинг-

дек, ҳар бир сиёсий партия Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашиларида ўзининг партия гуруҳлари билан иштирок этиб келаяпти. Қонунчилик мувофиқ, мамлакат кўйи палатасига ўтказилган сайловларда энг қўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг микдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритадиган бир неча сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзодини таклиф этиш, шунингдек, унга ишонч-сиёлик вотуми билдириш ҳўқуқи берилган. Қолаверса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларидаги партия гуруҳларининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўкимияти тайинлашдаги роли оширилди. Буларнинг барчаси партияларнинг жамиятдаги нуфузини кўпайтириш, қўп партиявийликни ривожлантириш, фикрлар хилма-хиллигини таъминлашда муҳимдир, албатта.

Конференцияда, шунингдек, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳларининг фаолияти ҳам таҳлил этилди. Таъкидланганидек, улар ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этиш, депутатлик назоратини амалга ошириш, қонунлар ижросини ўрганиш бўйича ташаббус қўрсатиш йўналишларида фаолашган. Жумладан, бу борада депутатлик сўрови ҳўқуқидан фойдаланиш қўрсатқичи ошган. Депутатлик гуруҳлари томонидан жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш ва давлат дастурларини амалга ошириш юзасидан мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш амалиёти ҳам қўлланилмоқда.

Маҳалла, бу — табиий қарор топган, аҳоли муаммоларини ечишга қодир анъанавий институт. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамиятда мансабдорлик бағрикенглик, ўзаро ҳамжўҳатлик ва аҳиллик фазилятларини қарор топтириш, жамоатчилик назоратини амалга ошириш, аҳолининг эҳтиёмжанд қатламларига моддий ёрдам қўрсатиш, ҳудудларни ободонлаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш йўлида фаол иштирок этиб келмоқда. 2012 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмағида 633 мингта анги иш ўрни яратилгани бунга бир мисолдир.

— Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг муҳим йўналишларидан бири аҳолининг ижтимоий қўмакга муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлашдир, — дей-

Сўз — конференция иштирокчиларига:

Катя ГЕРШЕК, "Минтақавий мулоқот" халқор нодавлат нотижорат ташкilotли ваколатхонаси раҳбари ўринбосари (Словения):

— Аввало, таъкидлашни истардики, юртингизда фаолият юритиш биз учун катта шараф. Чўнки республикангизда фуқаролик жамияти институтлари ривожини учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Шунга мос равишда аҳолининг мамлакатингизда амалга оширилаётган кенг қўламадаги ислохотларга дахлдорлик ҳисси ошиб бораётгани, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳўқуқий маданияти ўсиб бораётганига гувоҳ бўлиш мўмкин. Сўнги йилларда юртингизда нодавлат нотижорат ташкilotлари сони ва сифати жадал ортгани, уларнинг фаолиятида фуқароларнинг фаол иштироки кенгайиб бораётгани эътиборлидир. ННТ вакиллари билан сўзбат давомида улар нафақат ўз салоҳиятини юзага чиқариш, балки бошқаларни

ҳам мазкур фойдали ишга жалб этиш мақсади устуворлигини сезиш мўмкин. Улар томонидан ижтимоий хизматлар қўрсатиш қўламини кенгайиб бораётгани, бу эса аҳоли турли қатламларига яқиндан қўмак бераётгани диққатга сазовор. Энг муҳими, бундай эзгу фаолиятга улар кўнгилли тарзда, қалб ами билан киришишмоқда. Бу эса халқингизга хос яхшилик ва бағрикенглик фазилятларига ҳамохандир.

Идан ПЕЙСАХОВИЧ, "Соҳнут" нодавлат нотижорат ташкilotли ваколатхонаси раҳбари (Исроил):

— Фикримча, мамлакатингизда "учинчи сектор" ривожини ёшлар ташкilotлари фаолияти мисолида ёрқинроқ кузатиш мўмкин. Конференцияда ҳам мамлакатингизда ёшлар сингига оид барча маълумотларни диққат билан тингладим. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти билан яқин-

дан танишар эканмиз, бу борада ўрناق олса арзийдиган модель яратилганига ишонч ҳосил қилдим. Бу эса Ўзбекистонда ёш авлодини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг салоҳиятини юзага чиқаришга устувор эътибор қаратилаётгани, соҳада фуқаролик жамияти институтлари роли ошиб бораётганининг ҳам тасдиғидир.

Бугунги кунда юртингиздаги ёшлар ташкilotлари таълим сифатини ошириш, билим масканлари битирувчиларининг ижтимоий бандлигини таъминлаш, ишга жойлаштиришга яқиндан ёрдам бериш, болалар спортини ривожлантириш, истеъодли ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ташаббусларини юзага чиқаришда фаол иштирок этиб келаяпти. Юқоридегиларнинг барчаси навқирон авлоднинг мамлакат келажакни олдидаги масъулиятини чуқур англаб етишларида муҳимдир. Шунинг учун ҳам мазкур саъй-ҳаракатлар фақат эътирофга лойиқ.

Мухтасар айтганда, бўлиб ўтган тадбир якунларини муҳокама қила туриб, бугунги кунда Ўзбекистонда ислохотлар ва демократлаштириш жараёни катий, аник мақсадли ва изчил ҳусуният касб этаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мўмкин. Давлатимиз раҳбари томонидан Концепцияда таъкидланганидек, фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкilotлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳўқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омиллига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳўқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратилмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга қўмаклашишмоқда. Хулоса шунки, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ўсиб, уларда жамиятда содир бўлаётган жараёнларга дахлдорлик ҳисси ривожланмоқда, келажакда бўлган ишончи янада мустақамланмоқда.

Санджон МАХСУМОВ, Машҳура ЭҲОДИЙОВА, ўз мухбирларимиз.

● Реклама ва эълонлар ●

Ҳамжиҳатлик ва яратувчанлик тимсоли

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Айни чоғда кўча ва йўллар, хиёбону майдонларни ободонлаштириш ҳамда кўчаларнинг зорлаштириш ишлари юқори суръатда давом эттирилади. Натижада хонадонимиз, маҳалламиз, Ватанимиз янада кўракми қиёфа касб этади, юрдошларимиз эса Наврўзи оламни ана шундай обод манзилларда кутиб оладилар.

— Халқимиз тўю тантаналар, байрамларга ҳозирлик кўраб экан, улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ва хайрия ишларига қўл уришга одатланган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А. Аҳмедов. — Бу, айниқса, яратувчанлик, эзгулик тимсоли — умумхалқ ҳаширада янада яққол намоён бўлади. «Маҳаллада хашар бор», деб эшитган киши борки, «Қани, бизга нима

хизмат?!» деб енг шимариб келаверади. Буни юрдошларимизнинг бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишларига жиддий бел боғлаганларидан ҳам билса бўлади.

Наврўз байрами арафасида ўтказилаётган умумхалқ ҳаширада барча юрдошларимиз, хусусан, ёшларнинг фаол иштироки кутилмоқда. Бинобарин, «Ободлик — кўнгилдан бошланади» деган теран маъмуни ибора, бунёдкорлик туйғуси билан яшаш тушунчаси бугун республикамиздаги барча таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари ҳамда маҳалла ёшлари қалбида тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги хеч кимга сир эмас.

Хашар кўнларига тушган хайрия маблағлари эвазига эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз қариялар ва ногиронларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, улар-

нинг уй-жойларини таъмирлаш, ховлисига ниҳол ва гул қўчатлари экиш, ёш оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилалар фарзандлари тўйларини ўтказишга қўмаклашиш, болалар майдончаларини тартибга келтириш каби эзгу юмушлар ҳам рўйбга чиқарилади. Шунингдек, маҳаллаларда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни янада ривожлантиришга ёрдам бериш, фуқаролар йиғинларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Муҳими, бундай кенг моҳиятга эга яратувчанлик ҳамда хайру саховат тадбирлари Наврўз тантаналарига уланиб кетади.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Барқарор фаолият эътирофи

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Конференцияда, шунингдек, етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўллангандан халқаро меъёрлар, мезон ва андозалар ҳақида сўз юритилиб, тавakkалчиликни бошқариш услубияти, таъкилотларнинг молиявий тавakkалчиликларини тартибга солиш масалалари муҳокама этилди.

Хабарингиз бор, бир неча йилдирки, жаҳон молиявий иқтисодий инқирози қўлаб давлатлар банк тизимига жиддий зарар етказмоқда. Бу, ўз навбатида, банкларнинг кредит ва

инвестиция салоҳиятига таъсир қилаётди. Шунга қарамадан, республикамизнинг 28 та тижорат банкига нуфузли халқаро таъкилотлар томонидан «барқарор» рейтинг баҳоси берилгани (шундан 13 таси «Moody's» халқаро рейтинг агентлигига тегишли) диққатга сазовордир.

Молия муассасаларимизнинг бундай юксак баҳога лойиқ қўрилгани бежиз эмас, албатта. Бунда, табиийки, банкларимизнинг етарли капиталга эгаллиги, ликвидлик даражаси юқорилиги, молиялаштириш, асосан, ички манбалар ҳисо-

бидан амалга оширилаётганлиги, ташқи қардорликнинг пастлиги муҳим аҳамият касб этаётди. Шу билан бирга, «Moody's» кредит рейтинг бериш, хатарларни баҳолаш ва уларни бошқариш бўйича дунёнинг етакчи халқаро агентликларидан бири эмасми, бу тижорат банкларининг халқаро молия бозорига иштирокини кенгайтириш, хоржий сармоядорлар ишончи мустаҳкамлашни таъминлаётди. Мазкур анжуман ушбу йўналишдаги ишларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш учун яна бир имкониятдир.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирда агентлик экспертлари банк тизими кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва баҳолаш сифатини оширишга доир Ўзбекистон шароитида қўлаш мумкин бўлган тавсиялари билан ўртоқлашдилар. Булар банкларнинг фаолиятини янада кенгайтириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, ўзaro ишончини алоқаларни мустаҳкамлаш, тизимга халқаро мезонларни хоржий қўлишга замин яратиши, шубҳасиз.

Дилшод УЛУҒМУРDOV,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ХОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 2 МАРТДАН 7 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Шахар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи ягона гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисида»ги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2013 йил 29 январдаги 5-сонли қарори.

2013 йил 4 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2434 (2013 йил 11 мартдан қўчга кирди).

2. «Уйда ижтимоий ёрдам хизмати ходимлари ҳамда ногирон болаларни уйда уқитиш учун умумтаълим мактабларининг ўқитувчиларига йўл хақи компенсацияси тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси вазири, Халқ таълими вазири, Молия вазири, 2013 йил 28 январдаги 5-СТ, 3, 10-сонли қарори.

2013 йил 5 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2435 (2013 йил 11 мартдан қўчга кирди).

3. «Божхона қийматини тўғрилаш БКТ-1 ва БКТ-2 шакллари тўғрисида бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қийматининг 2013 йил 8 февралдаги 01-02/15-18-сонли қарори.

2013 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 920-5 (2013 йил 11 мартдан қўчга кирди).

4. «Йўл патталарини бериш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз қўнини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 16 февралдаги 4/9-сонли қарори.

2013 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1115-3 (2013 йил 11 мартдан қўчга кирди).

5. «Эркин муомалага чиқариш» божхона режимига мувофиқ шартли чиқариб юборилаётган товарларни божхона расмийлаштиришдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қийматининг 2013 йил 7 февралдаги 01-02/12-16-сонли қарори.

2013 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1404-3 (2013 йил 11 мартдан қўчга кирди).

6. «Ўзбекистон Республикаси божхона chegarаси орқали магистрал газ ўтказиш қурувларида олиб ўтилаётган табиий газни божхона назорати ва божхона расмийлаштиришдан ўтказиш тартиби ҳақида»ги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қийматининг 2013 йил 7 февралдаги 01-02/12-15-сонли қарори.

2013 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1609-1 (2013 йил 11 мартдан қўчга кирди).

7. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари рақабатлари, бош буғалатерлари, бошқаруви аъзолари, кредит ўқимлари ҳамда микрокредит таъкилотлари ижро органлари рақабатлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 16 февралдаги 4/6-сонли қарори.

2013 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1641-2 (2013 йил 11 мартдан қўчга кирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

«Йўл патталарини бериш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (рўйхат рақами 1115-1, 2002 йил 21 март), (рўйхат рақами 1115-2, 2003 йил 20 декабрь), Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори билан тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2013 йил 6 мартдаги 70-мх-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчилик ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Ишбилармонлик ва изланувчанлик намойиши

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Таъкилотчиларнинг айтишича, бу йилги танлов иштирокчиларининг фаолиятини баҳолашда уларнинг янги иш ўринлари яратгани, импорт ўринлари босувчи ва экспорт-боп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйгани каби жиҳатлар инобатга олинди. Хусусан, экспозицияларда кўёш батареялари, мебель, колбаса ва қандолатчилик маҳсулотлари, махсус кийимлар, кимёвий препаратлар сингари кенг турдаги маҳсулотлар намойиш этилди. Хунармандлар муслиқ асбоблар, ёғоч ўймакорлиги буюмлари, миллий либослар, зеб-зийнатлар, жун ва қорақўлдан тайёрланган кийимларнинг тақдим этди.

Яқунда асосий номинацияларда Мирзо Улуғбек туманидаги «Toshkent Trans Energo» ишлаб чиқариш-савдо корхонаси раҳбари Хушнудбек Бекжонов энг яхши тадбиркор, Учпена туманидан коллекция учун миниатюралар тайёрлайдиган уста Жамолдин Абдуллаев энг яхши хунарманд, деб топилди.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ.

ХУШХАБАР

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида қилибозлик бўйича ўсирилар ўртасида Осиё чемпиони бўлиб ўтди.

Малика — Осиё чемпиони

Қўшамизнинг 35 давлати спортчилари совиричи ўринлар учун кураш олиб борган мазкур нуфузли мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам муваффақиятли иштирок этиб, биттадан олтин ва бронза медалини қўлга киритдилар.

Вакилларимиздан Малика Ҳакимова қилибозликнинг шпага йўналишида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, Осиё чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Истеъдодли ёш спортчимиз дастлаб Хитой Тайпейи вакили Яфанг Чен, кейин эса австралиялик Александра Ҳогес ва хитойлик Нуо Сюодан устун келиб, ҳал қилувчи баҳсга йўл олди. Ута муросасиз кенган финал беллашувида эса у ливанлик Доминика Танноусни 15:13 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Ушбу йўналишда жамоавий мусобақаларда Темурубек Абдувалиев, Абдулбосит Носирдиннов, Жаовхир Нурматов ва Владислав Тихомоловдан иборат терма жамоамиз аъзолари эса Камбоджа ва Сингапур мамлакатлари вакилларидан устун келиб, кўта биринчилигининг бронза медалига эгалик қилдилар.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Сирдарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Сайхунобод тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 5 сентябрдаги 12-1111/5618(11)-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Халқобод» ҚФЙ, Кўёш маҳалласи худудида жойлашган, участканинг умумий майдони 6318,0 кв.м., қурилган жой участкаси 2215,72 кв.м.дан иборат бўлган «Ниҳол» болалар боғчаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 473 408 691 сўм.

2. Гулистон шаҳар СИБ томонидан, Сирдарё вилояти ҳўжалик судининг 2012 йил 7 июлдаги 12-0904/хс(1)-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Сирдарё вилояти МТПлар» бирлашмасига тегишли, Гулистон шаҳар, 2-мавзе, Н. Зокиров кўчасида жойлашган, умумий қурилиш майдони 2152,66 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 2004,57 кв.м.дан иборат бўлган идора ва ёрдамчи бинолари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 628 640 313 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 16 апрель куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биносидан бўлиб ўтади. Аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2013 йил 12 апрель куни соат 18.00.

3. Боёвут тумани СИБ томонидан, Сирдарё вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 9 декабрдаги 12-1101/14573(27.1), 2011 йил 9 декабрдаги 12-1101/14579(27.1), 2012 йил 13 апрелдаги 12 1201/5831(27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Боёвут-давсувмахсуспудрат» ДУКга тегишли, Сирдарё вилояти, Учтургон маҳалласи, Усмон Носир бўлими худудида жойлашган, умумий ер майдони 35527,0 кв.м., умумий қурилиш майдони 3535,61 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 3481,29 кв.м. бўлган 0022-литердан иборат фойдаланишга яроқли идора ва ёрдамчи бинолари арзонлаштирилган ҳолда тақдоран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 783 306 558 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 2 апрель куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биносидан бўлиб ўтади. Аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2013 йил 29 март куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қўйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Манзил: Гулистон ш., «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Тел.: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Наманган вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Наманган шаҳар СИБ томонидан Наманган вилояти ҳўжалик судининг 2009 йил 29 июндаги 16-0902/4412-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «22-Автокорхона» АЖга тегишли, Наманган шаҳри, Саъдий Шерозий кўчаси, 15-уйда жойлашган, умумий майдони 1,86 га, қурилган ости майдони 4625,09 кв.м., фойдаланиш майдони 2769,25 кв.м. бўлган «Автосарой» бино ва иншоотлари мулкый мажмуа сифатида қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 790 908 385 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 15 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2013 йил 12 апрель куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»нинг Наманган бўлимидаги қўйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават. Телефон: (8-369) 226-54-47. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.



Ўзбекистон Республикаси халқ хунармандлари

«ХУНАРМАНД»
уюшмаси жамоаси

мамлакатимиз аҳлини
умумхалқ шодиёнаси —

Наврўз

байрами билан самимий қўтлайди!

Баҳорнинг таровати, табиатнинг уйғошини,
борлиқнинг гуллаб-яшнаши барчамизга кўтарик
кайфият, гўзаллик завқу шавқини, эзгулик
саодатини бахш этсин!

Байрамингиз қўтлуғ бўлсин!



«KENG MAKON»
мебеллар фабрикаси

Наврўз — баҳор байрами билан самимий қўтлайди!

Юрдошларимиз қонунчилик хонадонидан файзу барака, тинчлик ва осойишталик аримасин!
Илк баҳорнинг қувончу шодлиги доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

«Ўзбекфильм» ОАЖ жамоаси устоз санъаткор
Максуд Нурумович
МАНСУРОВНИНГ
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси театр режиссёри Муборак Мадзимовга волида муҳтарамаси
ҲУРИХОН аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


O'ZSANOATQURILISHBANK
ТАДБИРКОРЛАР ДИКҚАТИГА!
«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ

«Оилавий тадбиркорликнинг энг яхши бизнес лойиҳаси»,
 «Касб-хунар коллежи битирувчисининг энг яхши бизнес лойиҳаси»,
 «Аёл тадбиркорлигининг энг яхши бизнес лойиҳаси»,
 «Қишлоқ жойлардаги энг яхши бизнес лойиҳа»,
 «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси бўйича энг яхши бизнес лойиҳа»

йўналишларида
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов лойиҳаси талаблари:

1	Танлов иштирокчиси	Бизнес лойиҳани тақдим этган «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ тизимида асосий ҳисоб рақамига эга кичик бизнес субъектлари
2	Бизнес лойиҳа мақсади	Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, касб-хунар коллежлари битирувчилари, оилавий тадбиркорлик ҳамда тадбиркор аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш
3	Лойиҳани молиялаштириш мақсадида ажратиладиган кредит муддати	3 йилгача
4	Танловни ўтказиш муддатлари	2013 йилнинг 1 апрелига қадар
5	Танлов натижалари бўйича ҳолибларни эълон қилиш муддати	2013 йил 3 апрель
6	Танлов ҳолибларининг тақдирланиши	Танлов ҳолиблари имтиёзли фоизда кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади

Қўшимча маълумотлар учун минтақавий филиалларнинг кредит бўлимлари телефонлари:

Минтақавий филиаллар	Телефон рақамлари	Минтақавий филиаллар	Телефон рақамлари
Қорақалпоғистон минтақавий филиали	(361) 141-71-48, 141-71-01	Фарғона минтақавий филиали	(373) 224-50-19, 224-85-03
Андижон минтақавий филиали	(374) 235-30-97, 235-20-99	Хоразм минтақавий филиали	(362) 224-12-44, 224-22-93
Бухоро минтақавий филиали	(365) 223-57-36, 223-60-22	Тошкент шаҳар минтақавий филиали	(371) 140-66-28, 140-66-29
Қашқадарё минтақавий филиали	(375) 223-22-12, 223-06-83	Амалиёт бошқармаси	(371) 120-45-72, 120-45-61
Навоий минтақавий филиали	(436) 224-53-91, 224-50-91	Самарқанд минтақавий филиали	(366) 233-44-01, 233-66-29
Наманган минтақавий филиали	(369) 234-32-90, 234-14-94	Сурхондарё минтақавий филиали	(376) 781-12-86, 272-73-73
Сирдарё минтақавий филиали	(367) 225-19-55, 225-07-40	Марказий амалиёт бошқармаси	(371) 239-10-18, 140-15-36
Тошкент вилояти минтақавий филиали	(371) 259-22-62, 259-22-76		

Бош офис телефонлари: (371) 233-63-78, 120-45-22, 120-36-20.
Вақт давомида синалган ишонч!
www.uzpsb.uz

350R/246

ИПОТЕКА БАНК

Акциядорлик тижорат
«Ипотека-банк»
жамоаси

Сизни баҳор айёми — Наврўз байрами билан муборакбод этади!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик ва шодлик тилаймиз. Баҳорий кайфият Сизни ҳеч қачон тарк этмасин!

392R/7

TURKISTON BANK

хусусий очик акциядорлик тижорат банки
жамоаси

диёримиз аҳлини кўклам қувончи, тириклик нашидаси, баҳор тароватини олиб келган улғу байрам —

Наврўзи олам

билан чин дилдан табриклайди!
Барчангизга баҳорий кайфият, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга кут-барака тилайди.
Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Байрамингиз кутлуғ бўлсин!

600A/752

«Тошрангметзавод» ОАЖ

жамоаси

серкуёш республикамизнинг кўп миллатли халқини она-табиатнинг янгилашиши, яшариши рамзи бўлмиш кўхна ва навқирон

Наврўз айёми

билан самимий кутлайди!

Баҳор байрами барганини хонадонига кўй-барака, тинчлик-хотиржамлик олиб келсин!

401A/37

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:

 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
 Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
 Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
 Ўзбекистон Республикаси Вазиарлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 134 474 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.


ТЕЛЕФОНЛАР:
 Девонхона 233-52-55;
 Котибиат 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

 Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
 Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

 • МАНЗИЛИМИЗ:
 100000,
 Тошкент шаҳри,
 Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
 Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
 Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
 Навбатчи — О. Файзиев.
 Мусоҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

 «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
 «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 23.55 Тошширилди — 00.10 1 2 3 4 5